

**МУЗЕЙЛАР ЎТМИШ ИЗЛАРИ ВА КЕЛАЖАГИМИЗ  
ПАЙДЕВОРИДИР**

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти*

*давлат музейининг илмий ходими*

***Комилова Зулфия***

Музейлар моддий маънавий меросни сақловчи маданий маскан сифатида фаолият қўрсатиб келаётган улуғ масканлардан биридир. Музейларнинг асосий вазифалари қаторида ўзоро маданий алоқаларни шакллантириш ва ривожлантириш, расмий ва норасмий тарзда маърифат тарқатиш, ижтимоий бирлик ва барқарор тараққиётни ўрнатиш ҳисобланади. Музейлардаги юр-тимизнинг бой тарихи, ҳалқимиз маънавияти, ўзига хос урф-одатларини акс эттирувчи ноёб ва бебаҳо ашёлар, бетакор асори-атиқалар ёрдамида ёшлар онгига отабоболаримизни миллий маънавиятини, урф-одатларини, қадимий ўзбек хунармандчилигини, маъаний-маърифий озуқасини сингдириб бориш учун музейларнинг ўрни жуда ҳам катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Ҳозирги кунда маданиятлар алмашинуви, урқ-одатлар, турмуш тарзидаги илғор бўлган тамойилларнинг ўзлаштирилиши каби ижобий жараёнлар жадал суратда давом этаётган юртимизда инсониятнинг маънавий – руҳий хазинасига бекиёс ҳисса қўшган тадбирларнинг ривожланиб боришида музейлар катта рол ўйнамоқди. Ибтидоий жамоа давридан токи шу кунгача бўлган инсоннинг кундалик эхтиёжига айланган хунармандчилик ота-боболаримиздан бизга асрлар оша етиб келмоқда. Кулолчилик, косибчилик, кўнчилик, раҳтагарлик, совунгарлик, каштачилик, тикувчилик, гилам тўқиши, кегизчилик, пичоқчилик, темирчилик, ёғочсозлик, мискарлик, наққошлиқ, заргарлик каби хунарлар авлоддан – авлодга миллийлиги билан ўтиб келмоқда. Ўзбекистонда, балки дунё миқиёсида оммани ўзбек миллий кулолчилиги буюмлари, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик зебузийнатлари, чеканкали мискарлик буюмлари, каштачилик наъмуналари

ўзини сеҳирли усуллари билан ўзига тортади. Ўзбек халқининг азал-азалдан турли ҳунармандчиликларини мерос бўлиб келиши тарихий манбаалардан маълум. Қадимги битикларда ҳам турли касблар ҳақида манбаа битиклари мавжуд. Ўзбек ҳалқи орасида қадим-қадимдан ҳунармандчилик тараққий этиб бориб, бежирим буюмлар ясаш, кундалик ҳаётда асқотадиган жихозлар таёrlаш, шу орқали ўз меҳнати билан одамларга наф келтириш қадрият даражасига кўтарилиб борди. Ҳар йили миллионлаб зиёратчиларнинг ташрифи заминида илғор тухника ва технологиялар, ахборот-ресурс марказлари, интерфаол бўлган усуллардан кенг фойдаланиш, замонавий мавжу бўлган лойиҳаларни ижобий амалга ошириш ва-зифаларини илмий манбааларга таяниб амалга оширил- ганлиги турибди. Барча турдаги музейларга қадам ранжида этаётган кишида ўтмиш ва ёрқин келажак борасидаги фикрлаш доираси кенгайиб бориши табиийдир. Инсоният ҳаёти давомида, унинг онг-шуури равнақ топишида муҳим аҳамияткасб этган илк ибтидоий предметлардан токи тараққиётнинг юксак поғоналарида яратилган нодир ашёларгача мужассам бўлган музейлар тарих, маънавияи ва санъат хазинаси дейилиши бежиз эмас. У нафақат сақлаб келинаётган меросни номоён этувчи маданий маскангина эмас, балки илмий тадқиқотлар ва таълим-тарбия тадбирларини олиб борувчи улуғ масканлардан биридир. Мустақиллигимизни дастлабки кунларидан бошлаб давлатимиз томонидан юртимиз тарихига атрофлича баҳо берилиб, дунё та-маддунига ўзларининг ниҳоятда бекиёс ҳиссаларини қўшган буюк аждодларимизнинг номларини тиклаш, уларнинг хонақоларини ва бақбараларини, қабрларини обод этиш, тарихий хотира объектларини асрраб-авайлаш масалаларига алоҳида эътиборни қаратилди. Жумладан қадимий отахон музейлар фаолиятини ривожлантириш билан бирга, янгидан-янги турли музейлар ташкил топди. Жумладан Ўзбекистан тарихи Давлат музейи, Темурийлартарихи Давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотира музейи, Термиз Архиология музейи, Олимпия Шон-Шухрат музейи, Фарғона музейи ва шу жумладан 1920- йилда асос солинган Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи, шунингдек Самарқанд, Бухоро, Хива

шахарларидағи осмон остидаги музейларимиз асрлар тарихига эга мавқелари бор. Барчамизга маълумки “18- май-халқаро Музейлар куни” деб эълон қилингандан буён дунё миқиёсида бу сана нишонланиб келади. Кўплаб музейларнинг юбилейлари ҳам шулар қаторидан ўрин олган. Ва шу сана таъсирида янгидан-янги фармонлар, қарорлар, музейлар ишини такомуллаштириш борасидаги чора-тадбирлар тасис этилиб келинмоқда. Жумладан- Қуролли конфликт ҳолатида маданий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги Конвенция 1954-1999-йиллардаги. 1972-йилги бутун жаҳон маданий ва табиий меросни ҳимоя қилиш ҳақидаги Конвенция. 1976-йилги маданий бойликларни ҳалқаро алмашинуви ҳақидаги Тавсия. 2001-йилги сув ости маданий меъросини ҳимоя қилиш ҳақидаги Конвенция. 2003-йилги номоддий маданий меросни ҳимоя қилиш ҳақидаги Конвенция. Юнеско томонидан 2015-йил 17-ноябрда қабул қилган “Музейларни жамиятда тутган ўрни ва уларнинг ҳилма-ҳиллиги, музей ва коллекцияларни саклаш ва тарғиб этиш бўйича Тавсия кабилар шулар жумласидандир. Ушбу тавсияларда музей фаолияти вазифалари қаторига ўзоро маданий алоқаларни шакллантириш ва ривожлантириш, расмий ва норасмий тарзда маърифат тарқатиш, ижтимоий бирлик ва барқарор тараққиётни ўрнатиш эканлиги ҳам алоҳида ахамиятга эга. Бунинг қаторида 21-аср музейлари концепциясида инновацион йўналиш- ни ривожлантириш борасидаги 4 та бобли йўриқнома ҳам мавжуд. Унинг биринчи бобида музейлар жамият ва унинг тараққиётига хизмат қилувчи, яна кенг омма учун очик, маданий меросни тўплаш, сақлаш, тарғиб, тадқиқ ва намоиш қилиш ҳамда маънавий озиқланиш талабларини қондира оладиган нотижорат ташкилат эканини белгиланган. Ҳозирги кунда ҳунармандчилик махсулотларини четга экспорт қилиш ва ҳунармандлар фаолиятини янада кўпроқ ривожлантириш мақсадида 2018-йилдан бошлаб дунёнинг 20 дан зиёд давлатида, жумладан Германия, Швейцария, Россия, Литвия, Корея, АҚШ, Италия, Малайзия, Озарбажон, Финляндия, Ҳиндистон, Франция, Греция, Туркменистан, Эрон, Украина, Туркия, Хитой, Испания каби давлатларда 113 та олий даражали кўргазмалар ва ярмаркалар ўтказилди. Хукуматимиз томонидан

жорий этилган ПФ-3393-сонли Қарорнинг 5-бандида Ўз.ССП, “Хунарманд” уюшмаси хунармандчилик махсулотларини шахар ва узоқдаги туманлардан сотиб олиш, шунингдек келгусида йирик ҳисобланган кўп шахарларда хунармандчиликларимиз махсулотларини сотиш ҳамда экспорт қилиш учун “Хунарманд” уюшмаси ҳузурида савдо-харид корхоналари ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Уюшма таъсисчилигида “Срафтанд арт” МЧЖ ташкил этилган ва ушбу корхона келгусида Республикализнинг туристик обьектлари, диққатга сазовор жойлари, ҳудудлардаги хунармандчилик марказларида ҳамда бир қатор замонавий ва маҳаллий бозорларда сотувни йўлга қўйилганлиги таҳсинга лойиқдир. Шунингдек бир қатор ташкилот ва вазирликлар билан ҳамкорликда “Хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов, ярмаркаларда намоиш этиш учун хунармандчилик махсулотларини олиб чиқишининг соддалаштирилган яъни хунармандларга қулай имконлар берувчи “Низом”ни ишлаб чиқилиши экспорт масалаларини муаммоларига ечим бўлди. Эндиликда хорижга ўзларининг хунармандчилик махсулотларини олиб чиқмоқчи бўлганлар “Хунарманд” уюшмаси билан ҳамкорликла иш олиб боришади. Уюшманинг республикализ ҳудудларида 13 та вилоят бошқармаси ва 92 та бўлимлари мавжуд. Ҳозирги кунда уюшманинг аъзоларининг сони 10000 нафардан ошиб кетди. 3735 нафар хунармандга имтиёзли кредитлар берилди. Шунингдек ҳудудий бўлиммалар-да 2000 та “Уста-шогирт” мактаблари ташкил этилган ва бунда 7356 нафар ёшларга миллий хунарларимизни ўргатиб борилди. Шуни ҳам такидлаб ўтиш керакки миллий хунармандларнинг ясаган ижод махсулларини намоиш этишда музейларнинг ўрни бекиёсдир. Музейлар йилномалари манбаалари-га назар соладиган бўлсак йиллар давомида кўплаб ҳунар соҳиблари ишларини кенг оммага намоиш этилиб, тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Шу жумладан “Кулолчилик” хунармандлари кўргазмалари. Кулолчилик бу миллий хунармандчиликнинг энг қадимгиларидан бири. Асосан тупроқдан лой таёrlаб буюм ясалган. Кулолчиликнинг асосий иш қуроли кулол чархи ва хом ашёси табиий тупроқдир. Ясалган буюмлар махсус хумдонда олов ёқиб

қуритилади ва унинг юзасига ранг берилади. Кўргазмаларда турли хажмдаги хумлар,хурмачалар,шамдонлар, қора чироқлар, сархона, жомашов, сопол косалар, икки ва тўрт қулоқли сопол идишлар, гул туваклари, вазалар намоиш этилади. **Косибчилик** махсулотларидан каш, махсиёттик, чориқ кабилаа кўргазмадан жой олади. Косибчилик хом ашёси хайвон териларини таёrlангандаридир. Бу касбга мелоддан аввалаги 4-минг йилликларда асос солинган эди. Косибчиликнинг асосий хом ашёсини таёrlовчиларни кўнчилар деб аталган. Кўргазмалардан кўпроқ жой олган асори атикалар **мискарлар** таёrlаган мис буюм турлари бўлиб, улар мис кўза, мис самавар, мис қумғон, самавар қумғон, мис лаган, мис тоғора, мис чайнак-пиёла, мис шамдон кабилар ҳисобланади. Мискарликка жеж даврида асос солинган. Энг нозик ҳунармандчиликлардан бири бу **заргарлик**. Заргарларнинг хом ашёлари бу олтин, кумуш, мис ва турли гавҳар, феруза, дур, хақиқ каби безак тошларидир. Заргарлар томонидан баргак, бибишак, билакузук, бозубанд, бозгардон, балдоқ, булоқи, сирға, бўйинтумор, гажак, дуотузи, жевак, жиға, заркокил, зебигардон, зулф, исирға, кокил, ойбаодоқ, осматузи, санчоқ, тавқ, тилла баргак, тилла тузи, тиллақош, турунж, узук, шокила, қашқар балдоқ ва ҳалқа каби қадимий тақинчоқ турларини ясашган. Ўзбек миллий ҳунарлари орасида нафис каштачиликка қадимдан асос солинган. Барча ҳалқларда каштанинг ўз услуги мавжуддир. Дастлабки кашталар хайвон териларига тикилган эди. Кейинчалик этик ва махсиларга ҳам кашта тикила бошланган. Асрлар давомида тошдан суяқ бегизларга, кейинчалик метал бегизларга ўтиш билан шунингдек тўқиши, мото тўқиши, бўяш кабилар инсоният томонидан ихтиро этилиб келган. 19-асрда тикув машинкаси ихтиро этилгунча барча ишлар қўл меҳнати билан қилинган. Музейлар ҳазиналарида каштали палаклар, сўзаналар, паранжи безаклари кабилан доимий намоишда. Тарихан маълумки мато пайдо бўлгач тикувчиликка асос солинган. Тикувчилар тамонидан жангчилар кийимлари, амалдорлар кийимлари, шахарлик асизодалар кийимлари, аёллар кийимлари, маросимлар кийимлари тикилиб, уларнинг янги урфга оидлари яратилиб келган. Музейларнинг экспозитциялари ва вақтинчалик кўргазмаларидан

юқоридагидан ташқари риҳтагарликка, совунгарликка, ёғочсозликка, гилам түқишига, кигизчилик, пи-чоқчиликка, темирчиликка оид бўлган турли асрларга оид экспонатлар жой олган. Мустақиллик қуёши ўз нурини сочиб эндиликда Озод Ватанимизга алоҳида латофат баҳш этмоқда. Эркин ижодий фаолият кўрсатиш, хур Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги учун яшаш ва курашиш завқини бермоқда. Янги Ўзбекистон давлати ўз сиёсатинининг бош тамоили сифатида маънавият ва маърифатни асос қилиб олди. Давлатимиз раҳбари ҳалқимизни маърифат йўлига дават этиб, ҳар бир инсон қалби маърифат чироғида айла-нишини, юракларимизда зиё туйғуси акс садо беришни орзу қилмоқда.

**Фойданалингган адабиётлар.**

1. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” - 2002-йил- 3-боб.
- 2.“Мозийдан садо” – илмий-амалий, маънавий-маърифий журнал.
- 3.“Энциклопедик луғат” 1991-йил.
- 4.”Адабиёт мухити” тарихидан рисоласи. 2019-йил.
- 5.”Ўзбек миллий ҳунармандчилиги тарихига бир назар” РИСОЛАСИ. 2019-йил